

## ҚАРИҚИЗ ЎСИМЛИГИ ХАЛҚ ТАБОБАТИДА

Каримова Лобар Фатуллоевна  
БухДУ Биология кафедраси ўқитувчisi  
[lobarkarimovafatul@gmail.com](mailto:lobarkarimovafatul@gmail.com)  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.6321310>

**Аннотация:** мақолада доривор ўсимликлар, уларни халқ табобатида ва аҳола орасида қўллаш, Қариқиз ўсимлигимисолида ёритиберилиган. Қариқиз ўсимлигининг биологияси, физиологияси ва дориворлик хусусиятли хақида маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** мутафаккирлар, илм-фан,дориворлик хусусияти, Қариқиз, *Arctium*, Asteraceae, мураккабгулдош,саватчасимон тўпгул, гултожибарглар, антимикроб, антисептик, иммуномодулятор.

Азалдан ўзбек мутафаккир ва алломалари жаҳон илму фани ривожига улкан ҳисса қўшган ўнинчи-ўн биринчи асрларнинг атоқли табиби Абу Али ибн Сино ҳам табий дорувор ўсимликлар билан даволашга катта эътибор беришган.

Қариқиз ([лот.](#) *Arctium*) икки йиллик ўт ўсимлиги, Мураккабгулдошлар ёки қоқидошлар оиласига киради. Бу ўсимлик саватчасининг тузилиши, саватча чети баргларининг бигизсимон учли бўлиши ва асоси илгаксимон бўлиши билан ажралиб туради. Шу илгакчалари туфайли ҳайвонлар жунига ёпишиб осон тарқалади. Бу туркум ўз ичига 20 турни олади. Кўпчилик турлари доривор.

Қариқиз ўсимлиги Asteraceae оиласига мансуб, баландлиги 60-180 см бўлган йирик икки йиллик ўт ўсимлик. Илдизи этли, ўқ илдиз, кам шохланган, узунлиги 60 см гача; пояси тик турувчи, эгилувчан, чизиқ-чизиқли, майнин тукли. Барглари бандли, кенг юрак-тухумсимон, тишсимон. Пастки барглари йирик (узунлиги 50 см гача, эни бироз камроқ). Гуллари қалқонча ёки қалқонсимон рўвак шаклида жойлашган шарсимон саватчаларга йиғилган. Гуллари найсимон, икки жинсли, гултожибарглари бинафша-қизғиши рангли, косачабарглари попукли. Меваси чўзинчоқ, силлик, қиррали, доғли, 5-7 мм узунликдаги попукли пистачалар. Июль – август ойларида гуллайди, мевалари август – сентябрда пишади.

Бу ўсимлик етарлича намлиқ бўлган тупроқ шароитида яхши ўсади. Уруғлари ёрдамида қўпаяди, уруғларининг тарқалишида инсонлар ва ҳайвонлар муҳим роль ўйнайдилар. Гуллари ва уруғлари етилгач саватчаси осон тўкилиб кетади, уруғидаги илгакчалари ёрдамида одамларнинг кийимлари ва ҳайвонларнинг жунларига ёпишиб янги террииторияларга тарқалади.

Тупроқ намлиги етарли бўлганда баҳорда, апрель -май ойида мухит ҳарорати +2 °C ва +4°C да уруғидан униб чиқа бошлайди,

Уруғидан тўлиқ униб чиқиши учун оптималь шароит +18°C ва +24°C, +38°C ва +40°C ни ташкил этади. Уруғлари 14 см чуқурликдан ҳам униб чиқади. Баъзи куз ойлари илиқ келганда сентябрь ва октябрь ойларида ҳам уруғлари униб чиқади, аммо қишлоамайди, чунки янги уруғларлардан униб чиқсан майсаларнинг унувчанлиги юқори эмас.

Уруғидан униб чиққач биринчи йили илдиз бўғзидан йирик барглар чиқади, кунлар совиши билан улар қурийди, фақат тупроқ ости қисмигина қишлийди. Кейинги йилнинг апрель-май ойларида янги барглар чиқаради ва июнь-август ойларида гуллаб август ойининг охири сентябрь ойида уруғлари етилади. Уруғларининг максимал сони 24000 дона. Уруғлари пишиб етилгач ўсимлик нобуд бўлади. (Шлякова Е.В.,1982) (Фисюнов А.В.,1984), (Келлер Б.А.,1935)

**Қариқиз ўсимлиги** -бегона ўтдир. Кўпинча боғлар ва томарқаларда ўсади. Қишлоғчи ўсимликлар билан бирга, кенг баргли ўрмонларда хам ўсади. Ўзбекистон шароитида эса асосан ховлиларда, томарқада бегона ўт сифатида кенг тарқалган. **Бегона ўтлиги билан** бир қаторда бу ўсимлик дориворлик хусусиятига эгадир, шунинг учун маҳаллий аҳоли ўзи томарқада кўпайтиради.

Қариқиз ўсимлиги организмдан турли токсинларнинг чиқиб кетишини таъминлайди, иммунно-радиопротектор бўлиш билан бир қаторда оғриқ қолдирувчи, тер ҳайдовчи, ҳароратни тушурувчи, сийдик ҳайдовчи, фосфатолитик, яллиғланишга қарши воситадир.

Қариқиз препаратлари антимикроб, антисептик, иммуномодулятор, аллергияга қарши восита, регенирацияловчи таъсир кучига эга ва турли ўスマларга қаршиликини оширади.

Халқ табобатида Қариқиз дамламаси азалдан буйрак касалликларида: сийдик ҳайдовчи восита, сийдик пуфаги яллиғланишида, тош тушурувчи сифатида, простата бези adenomasи ва простатитда ишлатилади.

Яллиғланишга қарши восита сифатида ишлатилишига унинг таркибидаги сито ва сгигмастерин моддалари ва бардан эфир мойи борлиги сабачидир. Уларнинг таъсирида простата бези паренхимасида ва уруғдон вазикулаларда инфильтрат ҳосиллари эрийди. Уруғини янчиди диурез ва буйрак тош касалликларида истеъмол қилинади. Қариқиз ўсимлиги илдизи ўт қопи тош касалликларида, ошқозон ости бези секрециясининг бузилиши, гастрит, ошқозон яраси, оғир металл тузлари билан заҳарланиш, ревматизм, бўғимларнинг яллиғланиш касалликлари, остеохондроз учун ҳам қўлланилади. Бу сийдик ҳайдовчи восита, шунингдек подагра ва қўчувчи артрит бўлган bemorlarни даволаш учун қимматли воситадир.

Себорея, ҳуснбузар, екзема, фурункулёз, ёғли тери, соч тўқилиши, ҳашаротлар чақиши учун ўсимлик илдизи препаратларини ташқи қўллашнинг ижобий натижалари қайд этилди. Кайнатма нафақат ичкарида, балки маҳаллий даражада лосён ва чайиш шаклида ҳам қўлланилади. Илдизлари ва майдаланган баргларидан тайёрланган малҳам узоқ муддатли даволанмайдиган яралар ва экзема учун буюрилади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Васильченко И.Т. Определитель всходов сорных растений, Издательство колос, Ленинград – 1965 г – 434 с.

Государственный каталог пестицидов и агрохимикатов, разрешенных к применению на территории Российской Федерации, 2017 год. Министерство сельского хозяйства Российской Федерации (Минсельхоз России).

2. Губанов И.А., Киселева К.В., Новиков В.С., Тихомиров В.Н. Иллюстрированный определитель растений Средней России. Том 3, Покрытосеменные (двудольные: раздельнолепестные). - М.: Товарищество научных изданий КМК, 2004. - 520 с.
3. Доброхотов В.Н. Семена сорных растений. Издательство Сельскохозяйственной литературы, журналов и плакатов, Москва, 1961 – 682 с.
4. Сафарова З. Т., Фармонова О. С. К. МЕДОНОСНЫЕ РАСТЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА //Scientific progress. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 1083-1084.